



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№2

2026



SERVIS

ILMIY-AMALIY JURNAL 2026 -yil, 2-soni

Muassis: Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2008-yil 31-dekabrda
0561-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
O‘zR OAK Riyosatining 19.03.2017 y., 239/5-sonli qarori bilan e’tirof etilgan

Tahririyat a’zolari:

Mas’ul kotib:

i.f.d., prof. M.Q.Pardayev

Muharrirlar:

i.f.d., dotsent F.A.Safarov
PhD, dotsent I.M.Pardayeva
PhD, I.Sh.Ernazarova

Texnik muharrir:

katta o‘qituvchi F.O.O‘roqov

Korrektor:

PhD, dotsent v.b.
T.I.Yahyoyev

Sahifalovchi:

PhD, dotsent v.b.
H.N.Ochilova

1 yilda 4 marotaba
chop etiladi.

**O‘zbekiston hududida
tarqatiladi.**

Tahririyat manzili:

140100, Samarqand shahar,
Amir Temur ko‘chasi, 9-uy,

tel.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

faks: +998(366)231-12-53
el.pochta:

samisiservis@mail.ru

Tahrir hay’ati raisi:

M.E.Po‘latov – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti rektori,
i.f.d., professor

Tahrir hay’ati raisi o‘rinbosari:

O.M.Pardayev – SamISI prorektori, iqtisod fanlari doktori,
professor

Tahrir hay’ati a’zolari:

M.M.Muxammedov – SamISI professori, iqtisod fanlari
doktori

D.R.Zaynalov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

O.M.Murtazayev – TDIUSF direktori, iqtisod fanlari doktori,
professor

M.R.Boltabayev – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

R.X.Ergashev – QarMII professori, iqtisod fanlari doktori

B.K.G‘oibnazarov – iqtisod fanlari doktori, professor

I.S.To‘xliyev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

K.B.Urazov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

D.H.Aslanova – iqtisod fanlari nomzodi, professor

Q.J.Mirzayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

B.I.Isroilov – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

G.M.Shodiyeva – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

S.N.Toshnazarov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

R.N.Normaxmatov – SamISI professori, texnika fanlari doktori

A.Bektemirov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

M.T.Alimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Z.Dj.Adilova – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

Sh.O.Quvondiqov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

L.N.Xalikova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

F.A.Safarov – SamISI dotsenti, iqtisod fanlari doktori

A.M.Karimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

I.B.Mattiyev – SamISI professori, pedagogika fanlari doktori

B.F.Boronov – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

A.N.Xoliqulov – SamISI professori, iqtisod fanlari nomzodi

X.A.Raximov – SamISI dotsenti, PhD

S.A.Babanazarova – SamISI dotsenti, PhD

H.N.Ochilova – SamISI dotsenti v.b., PhD

I.R.Berdikulova – SamISI dotsenti v.b., PhD

A.Q.G‘apparov – SamISI dotsenti v.b., PhD

MUNDARIJA:

NAZARIYA VA METODOLOGIYA	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусовна Пардаева Янги Ўзбекистоннинг бойлиги бўлган инсон капиталининг ривожланишида оиланинг ўрни	5
Мурод Мухаммедович Мухаммедов Макроиктисодий барқарорликни таъминлашда иш ҳақи ва нархлар мувозанатининг аҳамияти	9
Dr. Okszana KISZIL Between the two worlds: migrant children and adaptation strategies	12
Зарина Муродовна Мухаммедова Ўзбекистонда облигациялар бозорини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари ва стратегик йўналишлари	17
SANOAT VA QISHLOQ XO‘JALIGI	
Junaydillo Sadiyevich Fayziyev Qishloq xo‘jaligida yetishtiriladigan sigir sutining sifat ko‘rsatkichlari	20
Джунайдилло Садиевич Файзиев, Азизахон Мамасидикова Положительные и отрицательные аспекты использования пальмового масла в пищевой промышленности	23
TADBIRKORLIK, MEHNAT, BANDLIK VA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH	
Lola Nazarovna Xalikova, Shamsiddin Kiyamiddinovich Yuldashev, Muxammadjon Mansur o‘g‘li Xojiyev O‘zbekistonda iqlim o‘zgarishining mehnat unumdorligiga ta’siri	28
Anvar Nematovich Xoliqulov Innovatsion iqtisodiyot sharoitida mehnatning xarakteri va manfaatlar mushtarakligi	33
XIZMAT KO‘RSATISH VA SERVIS	
Абдумалик Бектемиров, Дилшод Фархадович Насиров Оценка эффективности инновационно-инвестиционной стратегии предприятий сферы услуг Республики Узбекистан	36
Рузибой Нормухоматов, Уктам Абдуғани ўғли Абдурайимов, Шерзод Мирзаали ўғли Музаффаров Соғломлаштириш хизматларида B2 витамини (рибофлавин)нинг ўрни, очилиш тарихи, аҳамияти, манбалари, етишмаслигининг олдини олиш йўллари	43
Обид Мамаюнусович Пардаев Иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатишда энергия ресурсларини тежаш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари	46
Феруз Нематуллаевич Абилов Агросервис хизматларини ривожлантириш асосида аҳолини камбағалликдан чиқариш механизмини такомиллаштириш	50
Zebo Eshmaxmatovna Normurodova Maishiy xizmatlar samaradorligini oshirishda sinergetik, messijerlik va geffen samaralarining o‘rni (Qashqadaryo viloyati misolida)	55
Nargiz Toxirovna Sattarova, Sultonbek Azizovich Baxromov O‘zbekistonda servis iqtisodiyoti: xizmat ko‘rsatish sifatini boshqarishning zamonaviy usullari va tendensiyalari	59

NAZARIYA VA METODOLOGIYA

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

Озода Мамаюнусовна Пардаева – Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети Самарқанд филиалида кафедра мудири, доцент, PhD.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЙЛИГИ БЎЛГАН ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ОИЛАНING ЎРНИ

Аннотация. Мазкур мақолада Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили бўлган инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантиришда оиланинг ўрни таҳлил қилинган. Оилада фарзанд тарбияси, таълимга муносабат, меҳнатсеварлик, ахлоқий қадриятлар ва ижтимоий масъулият каби омиллар инсон капитали сифатини белгилаши илмий асосланган. Шунингдек, давлат сиёсати, таълим тизими ва маҳалла институти билан ҳамкорликда оиланинг инсон капиталини ривожлантиришдаги аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: инсон капитали, оила, Янги Ўзбекистон, таълим, тарбия, ижтимоий ривожланиш, маънавият, меҳнат маданияти.

Кириш. Бугунги глобаллашув ва инновацион тараққиёт шароитида ҳар қандай давлатнинг ҳақиқий бойлиги унинг табиий ресурслари эмас, балки инсон капитали ҳисобланади. Инсон капитали – бу шахснинг билим, кўникма, соғлиқ, ахлоқий фазилят ва ижтимоий фаоллик салоҳиятининг йиғиндисидир. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар марказида ҳам инсон кадри, унинг манфаатлари ва фаровон ҳаёти турибди. Шу нуқтаи назардан, инсон капиталини шакллантиришнинг энг биринчи ва муҳим институти сифатида оиланинг ўрни бекиёсдир. Чунки шахснинг дастлабки дунёқараши, ахлоқий қарашлари, меҳнатга муносабати ва жамиятдаги ўрни айнан оила муҳитида шаклланади.

Инсон капиталининг бошланғич пойдевори оилада қўйилади. Чунки, оила муҳити инсон шахсининг илк ижтимоийлашувининг асоси ҳисобланади. Боланинг дунёқараши, одоб-ахлоқи, мулоқот маданияти, меҳнат кўникмалари ва масъулият ҳисси оилада шаклланади. Шу боис, оиладаги соғлом муҳит инсон капиталининг сифат даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Чунки болаларда уч ёшгача 80 фоиз ақли шаклланиб бўлиши хусусида кўплаб манбаларда эътироф этилган. Шу туфайли, айнан оилада фарзандларнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши таъминланади, таълимга ҳам қизиқиш ва илмга ҳавас ҳам айнан оилада шакллантирилади. Оила муҳитида меҳнатсеварлик ва интизом тарбияланади. Энг муҳими, миллий қадриятлар ва ватанпарварлик туйғулари ҳам айнан оилада сингдирилади. Демак, оила инсон капиталининг илк сармояси сифатида хизмат қилади. Булардан кўриниб турибдики, ушбу мавзу долзарб масалаларни қамраб олган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада Янги Ўзбекистон бойлиги бўлган инсон капиталининг ривожланишида оиланинг ўрнини тушунтириш жараёнида турли методологик йўналишлардан, хусусан, индукция ва дедукция, замон ва макон, микдор ва сифат, таҳлил ва синтез, мантикий таҳлил каби методологик ёндошувлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Инсон капиталининг асосий таркибий қисми билим ва малака ҳисобланади. Бола таълим олишга бўлган муносабатни, аввало, оиладан олади. Агар ота-она фарзанд таълимига эътиборли бўлса, китобхонлик муҳити яратилса, билим олишни қадрласа, фарзандда ҳам юқори интеллектуал салоҳият соҳиби бўлиб шаклланади. Бу эса, таълим ва тарбияда оиланинг роли ҳал қилувчи куч эканлигидан далолатдир.

Оиланинг ячна бир хусусияти фарзандларнинг қобилятини эрта аниқлашга, уларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлашга, касб танлашга йўналтиришга, ижтимоий фаолликни оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, оила ушбу жараёнда инсон капиталининг рақобатбардошлигини ҳам тўлиқ таъминлайди.

Ахлоқий қадриятлар ва ижтимоий масъулиятни шакллантиришда ҳам оиланинг ўрни ва роли бекиёс. Инсон капитали фақат билим билан эмас, балки маънавий баркамоллик билан ҳам баҳоланади. Янги Ўзбекистон тараққиёти учун ҳалоллик,

ватанпарварлик, фидойилик ва ижтимоий масъулият каби фазилатларга эга шахслар зарур. Бу фазилатлар, аввало катталарга ҳурмат, кичикларга меҳр, ҳалол меҳнат, жамоатчилик манфаатини устун қўйиш каби тарбия усуллари орқали оилада шаклланади. Шу маънода, оила нафақат иқтисодий, балки маънавий капиталнинг ҳам манбаи ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда оилани қўллаб-қувватлаш сиёсати бежиз амалга оширилмаяпти. Чунки такомиллашган инсон капитали билангина Учинчи Ренессанс пайдевори курилади. Шу боис Янги Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Чунки барқарор оила – барқарор жамият асосидир.

Мамлакатимизда давлат томонидан амалга оширилаётган тадбирлар асосида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, аёллар бандлигини таъминлаш, оилаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш, фарзанд тарбияси бўйича маърифий дастурларни амалга ошириш каби чоралар инсон капиталини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бунда маҳалла институти ҳам оилалар билан ишлашда муҳим бўгин сифатида тарбиявий муҳитни яхшилашга ҳисса қўшмоқда. Келажакда маҳалла билан оилалар муштараклигини янада мустаҳкамлашга эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Зеро, баркамол инсон – тараққиёт кафолати, мустаҳкам оила эса инсон капиталининг ишончли таянчидир. Шунинг учун оила институтини янада мустаҳкамлаш, ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш, таълим муассасалари ва оила ҳамкорлигини кучайтириш, соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Янги Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири илм-фаннинг ривожланишига катта эътибор берилаётганлиги билан аҳамиятлидир. Шу йилларда олий ўқув юртларида асосий эътибор илмий салоҳиятни оширишга қаратилмоқда. Шу туфайли илм-фанга давлат инвестициялари мунтазам равишда оширилмоқда. Булар илмий муассасалар ва лабораторияларни модернизация қилишга, ёш олимлар учун грантлар, стипендиялар ва имтиёзларни кенгайтиришга йўналтирилмоқда.

Таълим тизимида илмий салоҳиятнинг ошиш билан бирга, таълим соҳасини ишлаб чиқариш билан ҳам интеграция қилиш жараёнларини тезлаштириш лозимлиги ҳам қайд этилмоқда ва бу амалга оширилмоқда. Чунки, университетлар ҳузурида илмий-тадқиқот марказлари, илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш бўйича корхоналар билан ҳамкорликда инновацион лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш ишларига киришилди. Бунда дуал таълимни жорий қилишда олий ўқув юртлари, корхоналар ва оилаларнинг ҳамкорлиги ҳам муҳим ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳат, ҳозирги пайтда аксарият олий ўқув юртлари халқаро ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Илғор хорижий университетлар ва марказлар билан қўшма таълим ва тадқиқотлар олиб борилмоқда. Охирги пайтларда олимларнинг халқаро грантлар ва лойиҳаларда иштироки ҳам кўпайди, улар ўртасида илмий алмашинув ва стажировкалар ҳам йўлга қўйилган ва бу жараён кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Биз навбатдаги босқичда илғор технологияларни хориждан сотиб олиб келиш эмас, балки буларни ўзимизда яратиб, хорижга сотиш масаласи билан шуғулланишга ўтишимиз лозим. Бунга эришишда жуда кўп омиллар, шу жумладан, оиланинг ҳам ўрни мавжуд.

Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш билан бирга, уларни яратишга ҳам киришилди. Хусусан, сунъий интеллект, биотехнология, нанотехнология каби соҳаларга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ушбу соҳаларда талабаларни тайёрлаш жараёни ҳам бошланди. Ҳозир турли стартаплар ва технопарклар орқали илмни тижоратлаштириш масаласи ҳам йўлга қўйилдики, бу ҳар томонлама манfaatли ҳисобланади. Биринчидан, амалиётга янги ишланмалар жорий қилиниб, инновацион жараёнлар амалга оширилса, иккинчидан илмий-тадқиқот билан шуғулланадиган ходимлар ҳам рағбатлантирилмоқда. Хуллас, ҳозир тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бўлган рақамли илм-фан инфратузилмаси яратилмоқда.


Янги Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги ислохотлардан бири илмий эркинлик ва шаффофлик масаласининг илгари сурилаётганлиги билан боғлиқдир. Бу бевосита илмий изланишларда эркин фикрлаш, диссертация ва бошқа илмий тадқиқотларда очикликнинг ҳукм суриши, илмий фаолиятни баҳолашда халқаро мезонларга таяниш масаласининг жо-

рий қилиниши билан боғлиқдир. Чунки барча иқтисодий-ижтимоий жараёнлар сингари илм-фан ва таълимда ҳам интеграциялашиш бугунги кунда объектив заруриятга айланиб улгурди. Таълим ва тарбиянинг натижадорлиги инсон капиталини қандай шакллантириляётганлиги билан изоҳланади. Бунда ҳам таълим ташкилотлари билан оиланинг роли катта. Ушбу субъектларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган аниқ чоралар ишлаб чиқилиши лозим. Шу туфайли илмга қизиққан ёшларни эрта аниқлаш, уларда мактабдаёқ тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш масаласига ҳам аҳамият берилмоқда. Ёшларни илм-фанга қизиқтириш учун ҳозирги пайтда олимлик касбининг жамиятдаги нуфузини оширишга киришилди. Бу масалани янада жадаллаштириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Янги Ўзбекистонда илм-фан жамият тараққиёти-нинг драйвери, иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошликнинг асосий омили бўлган инсон капиталининг ҳам такомиллашувида муҳим роль ўйнамоқда. Инсон капиталининг жамият тараққиётидаги роли ҳал қилувчи ва стратегик аҳамиятга эга. Чунки замонавий тараққиётнинг асосий манбаи табиий бойликлар эмас, балки инсоннинг билими, салоҳияти ва ижодкорлиги бўлиб қолмоқда. Буларнинг ҳам бир қисми оилада таркиб топади.

Инсон капиталининг асосий ролларидан бири – унинг иқтисодий тараққиётнинг асоси омили эканлиги билан характерлидир. Инсон капиталининг такомиллашуви биринчи галда, инновация ва янги технологияларни яратганлиги туфайли меҳнат унумдорлигини оширади ва ниҳоят, иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлайди. Бундай салоҳиятли, билимли ва малакали кадрлар мавжуд жамиятда мамлакатнинг ЯИМ тезроқ ўсади ва шу орқали рақобатбардошлик таъминланиш билан бирга камбағаллик ҳам қисқариб боради. Камбағалликнинг қисқариши эса, оила фаровонлигини оширади.

Кўриниб турибдики, инсон капиталининг шаклланишида ҳам унинг натижасидан манфаат топишда ҳам оиланинг ўзига хос ўрни бор. Илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришда юқори даражага эга бўлган инсон капиталининг роли катта. Бу олимларнинг илмий кашфиётлари орқали рақамли иқтисодиётни шакллантиради, турли стартаплар ва янги бизнес моделларини вужудга келтиради. Бунинг натижасида ҳам оила фаровонлиги ошади. Бу куйидаги расмда ўз аксини топган (1-расм).



1-расм. Оила фаровонлигини оширишда инсон капиталининг ўрни

Инсон капиталининг бевосита маҳсули инновация бўлиб, бу ижтимоий тараққиётнинг барқарорлигини таъминлаш орқали ҳаёт сифатини ҳам ошириб боради. Шу тариқа инсон капитали ривожланган жамият шаклланади. Бундай жамиятда таълим ва тиббиёт сифати юқори бўлади, камбағаллик камаюди, ижтимоий адолат ва тенглик мустаҳкамланади. Натижада Давлат бошқаруви ва институционал ривожланиш таъминланади. Бундай шароитда салоҳиятли инсонлар шаклланиб, бевосита самарали давлат бошқарувини таъминлайди, коррупцияни камайтиради ҳамда қонун устуворлигини мустаҳкамлайди.

Хулоса ва таклифлар. Инсон капиталининг ривожланиши миллат рақобатбардошлигини оширади, жаҳон миқёсида давлатлар ўртасида бўладиган мусобақа табиий ресурсларнинг даражаси билан эмас, балки инсон капитали даражаси билан ўлчанади. Бунда рақобатлашиш айниқса ҳозирги замонда муҳим бўлиб бормоқда. Чунки, барча инновацион технологиялар, сунъий интеллект кабилар инсон капитали орқали яратилмоқда.

Инсон капиталининг ривожланишида оиланинг ўрнини тадқиқ қилиш натижасида бир қанча тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди. Булар:

Биринчидан, инсон ресурслари ва инсон капиталининг фарқли жиҳатларинга алоҳида эътибор қаратиб, инсон капиталини тизимли равишда такомиллаштириш масаласига бефарқликни бартараф қилиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, инсон ресурси бевосита жамиятдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли салоҳи-

ятининг умумий захираси ҳисобланишини билдирса, инсон капитали эса, инсоннинг билим, малака, тажриба ва саломатлигига киритилган сармоя натижасида шаклланган иқтисодий қиймат эканлигини фарқлай билиш лозимдир.

Учинчидан, оила фаровонлигини оширишда, янги иш ўринларини яратиш орқали камбағалликни қисқартиришда инсон капиталининг ўрнига алоҳида аҳамият бериш лозим, деган хулосага келдик.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий бойлиги инсон капитали бўлса, унинг энг муҳим манбаи оила ҳисобланади. Оилада шаклланган билим, тарбия, меҳнатсеварлик, маънавият ва масъулият инсон капиталининг сифатини белгилайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 3 октябрда имзоланган “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги ЎРҚ-970-сонли Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 216-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги №-ПҚ-18- сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.
5. Саидахрор Саидахмедович Ғуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Худайназар Хабибуллаевич Эргашев. Таълим Сифати Ошириш – Янги Ўзбекистон Стратегиясини Бажаришнинг Муҳим Омили. //Diversity Research: Journal of Analysis and Trends. Volume 4, Issue 01, January, 2026. ISSN (E): 2810-6393. // Website: <https://academiaone.org/index.php/2>. – 1-6. – 0,4 б.т.
6. Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева. Янги Ўзбекистоннинг бойлиги инсон ресурслари билан ўлчанади. // “Сервис” илмий-амалий журнал 2026 йил 1-soni. – 5-13 бетлар. – 0,7 б.т.
7. Пардаев М.Қ., ва бошқалар. Меҳнат бозори трансформацияси. Ўқув қўлланма. 15-жилд. (Ҳаммуаллифлар; С.А.Бабаназарова, О.М.Пардаева) –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2025. 328 бет. – 20,75 б.т.
8. Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусовна Пардаева, Севара Абдуназаровна Бабаназарова. Инновацион иқтисодиёт шароитида меҳнат бозори трансформациясининг янги талаблар доирасида такомиллашуви. // Progress Annals: Journal of Progressive Research. Volume 3, Issue 7, July 2025. ISSN (E): 2810-6466. Website: <https://academiaone.org/index.php/8-27-30> - 0,4 б.т.

М.Пардаев, О.Пардаева	М.Pardaeв, O.Pardaeва
Роль семьи в развитии человеческого капитала – богатства Нового Узбекистана	The role of the family in the development of human capital as the wealth of New Uzbekistan
Аннотация. В данной статье проанализирована роль семьи в формировании и развитии человеческого капитала, являющегося важным фактором развития Нового Узбекистана. Научно обосновано, что такие факторы, как воспитание детей в семье, отношение к образованию, трудолюбие, нравственные ценности и социальная ответственность, определяют качество человеческого капитала. Также раскрыто значение семьи в развитии человеческого капитала во взаимодействии с государственной политикой, системой образования и институтом махалли. Ключевые слова: человеческий капитал, семья, Новый Узбекистан, образование, воспитание, социальное развитие, духовность, культура труда.	Abstract. This article analyzes the role of the family in the formation and development of human capital, which is an important factor in the progress of New Uzbekistan. It is scientifically substantiated that such factors as child upbringing in the family, attitudes toward education, diligence, moral values, and social responsibility determine the quality of human capital. The article also highlights the importance of the family in the development of human capital in cooperation with state policy, the education system, and the mahalla institution. Keywords: human capital, family, New Uzbekistan, education, upbringing, social development, spirituality, work culture.

ISSN 2091-5187

❧ “SERVIS” ❧

Jurnal Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tahririyat
bo‘limida nashrga tayyorlandi.

15.05.2026-yilda terishga berildi. 26.05.2026-yilda bosishga ruxsat etildi. Ofset
bosma qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84_{1/8}. “Times” garniturasini. Ofset bosma usuli.
Shartli bosma tabog‘i 15,4. Hisob-nashriyot
tabog‘i 14,37. Adadi 100 nusxa. Buyurtma № 0105A/26

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa bo‘limida chop etildi.
Litsenziya № 025316.
Reestr № X-119112.

Manzil: Samarqand shahri, Shoxruh ko‘chasi, 60-uy.

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2026.